

6 COVID-19 ДАВРИДА БОЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯСИ COVID-19 ҳақида сұхбатлар

Сұхбатга очиқ бўлинг. Болаларнинг бу ҳақда эшитганлари аниқ. Бу мавзуни сир сақлашингиз фарзандларнингизни ҳимоя қилмайди. Ҳақиқат ва очиқлик уларни ҳимоя қиласди. Болангизга хабарни у тушунадиган даражада етказинг.
Ахир, сиз уни ҳаммадан ҳам яхши биласиз!

Тинглашга очиқ бўлинг

Фарзандингиз сиз билан эркян тарзда ўртоқлаша олсин. Унга очиқ саволлар беринг, шу орқали у қанча маълумотга эга эканини билиб оласиз.

Ҳақиқатни гапиринг

Уларнинг барча саволларига ҳақиқатни айтиб, жавоб беринг. Фарзандингизнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда, жавоб қайтаринг.

Уни қўллаб-қувватланг

Болангиз кўрқан ёки адашган бўлиши мумкин. У ўзининг ҳис-туйғулари билан эркян ўртоқлаша олсин, сизнинг кўмагингизни сезиб турсин.

Бу ҳақда жуда кўп яхши ҳикоялар мавжуд

Баъзи ҳикоялар тўқиб чиқарилган, шу боис ишончга лойиқ саҳифалардан фойдаланинг:
<https://www.who.int/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/advice-for-public>
ва
<https://www.unicef.org/coronavirus/covid-19>

ВОЗ ва UNICEF



Ҳамма жавобларга эга бўлмаслик нормал ҳолат

"Мен билмайман, бунинг устида ишляпман" ёки "Биз билмаймиз, бу ҳақда ўйлајпмиз" деб жавоб бериш нормал ҳолат. Бу вазият фарзандингиз билан бирга янги бир нарсани ўрганиш учун яхши имкониятдир.

Ярамас одамлар эмас, балки қаҳрамонлардир

COVID-19 одамларнинг ташқи кўринишига ёки қайси миллатга мансублигига боғлиқ эмас. Болага тушунтиринг: бу касалликка чалинган ва уларни тузатаётган одамларга нисбатан биз меҳр-шафқатли бўлишимиз керак. Касалларга ғамхўрлик қилаётган ва бу эпидемияга қарши курашаётган одамлар ҳақидаги ҳикояларни қидириб топинг.



Сұхбатингизни яхши хабар билан тугатинг



Боланинг руҳий аҳволига эътибор беринг. Унга: "Мен билан истаган пайтингда гаплашишинг мумкин, сенинг аҳволинг мен учун жуда муҳим", деб эслатинг. Кейин қувноқ бир ўйинни бирга ўйнан!

Бола тарбияси борасида кўпроқ маълумотга эга бўлишини истасангиз бу ерга босинг:

Parenting tips from WHO

Parenting tips from UNICEF

In worldwide languages

АСОСИЙ МАНБАЛАР ШУ
ЕРДА ЖОЙЛАШГАН



End Violence
Against Children



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



The mark "CDC" is owned by the US Department of Health and Human Services and is used with permission. Use of this logo does not imply endorsement by HHS or CDC of any particular product, service, or enterprise.